




USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



**ИНВЕСТИЦИЯВИЙ НИЗОЛАР ВА РАҚОБАТГА
ОИД ИШЛАРНИ СУД МУҲОКАМАСИГА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ КЎРИШ БЎЙИЧА
ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ-2021



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



**ИНВЕСТИЦИЯВИЙ НИЗОЛАР ВА РАҚОБАТГА
ОИД ИШЛАРНИ СУД МУҲОКАМАСИГА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИ КЎРИШ БЎЙИЧА**

ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ-2021

Муаллифлар:

Ибрагим Таджиев

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Бахтиёр Сайфуллаев

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

Мазкур нашр Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт Дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида **БЕПУЛ ТАРҚАТИШ УЧУН ТАЙЁРЛАНГАН**. Нашр мазмуни Ўзбекистон Республикаси Олий суди, БМТ Тараққиёт Дастури, АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID) ёки АҚШ ҳукуматининг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.

Нашрнинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Олий судининг www.sud.uz ва БМТ Тараққиёт Дастурининг www.uz.undp.org интернет сайтларида жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди,
Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1.
Телефон: (+998 71) 239-02-67

© БМТ Тараққиёт Дастури, 2021.

© АҚШ Халқаро Тараққиёт Агентлиги (USAID), 2021.

© Ўзбекистон Республикаси Олий суди, 2021.

МУНДАРИЖА

Кириш	6
I. Инвестициявий низоларга доир ишлар бўйича иш юритиш	8
§1. Ишларнинг судга тааллуқлилиги	8
§2. Ишларнинг судловга тегишлилиги	9
§3. Ишларни кўришга тайёрлаш	10
§4. Ишларни кўриб чиқиш хусусиятлари	11
II. Рақобатга оид ишлар бўйича иш юритиш	13
§1. Ишларнинг судга тааллуқлилиги	13
§2. Ишларнинг судловга тегишлилиги	14
§3. Ишларни кўришга тайёрлаш	15
§4. Ишларни кўриб чиқиш хусусиятлари	16
III. Инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишлар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш	16
IV. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	19

К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган пайдан бошлаб инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини оширишга ҳамда хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса сўнгги йилларда республика Президенти ва ҳукумати томонидан ушбу йўналишда бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Ушбу чора-тадбирларнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сонли Фармонининг 3-банди билан Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг Олий суд тузилмасида йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда – йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилган судлов таркибини (кейинги ўринларда – Судлов таркиби) тузиш ҳақидаги таклифи маъқулланган.

Фармон билан, шунингдек,

- инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши;
- қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкинлиги белгиланган.

Ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-662-сонли ва “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли Ўзбекистон Республикасининг қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонунлар билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси (кейинги ўринларда – МСИЮТК) ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексига (кейинги ўринларда – ИПК) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган.

Жумладан, МСИЮТК маъмурий судларга тааллуқли бўлган “Инвестициявий низолар бўйича ишлар” ва “Рақобатга оид ишлар” тушунчаларини ёритиб берувчи 27¹ ва 27²-моддалар билан тўлдирилди.

Хусусан, инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорлари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар, рақобатга оид ишлар жумласига эса, юридик шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий судга тааллуқли низолар киради.

МСИЮТКнинг 28-моддаси инвестициявий низолар бўйича ишлар йирик инвесторнинг хоҳишига кўра, рақобат тўғрисидаги ишлар тарафларнинг хоҳишига

кўра, бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкинлиги тўғрисида янги қисм билан тўлдирилди.

Шунингдек, МСИЮТКнинг 33-моддасига:

- йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари) жавобгар жойлашган ҳудуддаги туманлараро маъмурий судга ёки Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар судига ва Тошкент шаҳар судига тақдим этилиши мумкинлиги;
- йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари), шунингдек, товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган даъво аризалари туманлараро маъмурий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкинлиги тўғрисидаги қўшимчалар киритилди.

ЭПКнинг 25-моддасига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, иқтисодий судга инвестициявий низолар бўйича ишлар ҳамда рақобатга оид ишлар тааллуқлидир.

Бунда инвестициявий низолар бўйича ишлар, низо келиб чиққан ҳуқуқий муносабат иштирокчиси юридик ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъи назар, иқтисодий суд томонидан кўрилиши белгилаб қўйилди.

МСИЮТКнинг 28-моддасига киритилган қўшимчаларга ўхшаш тарзда ИПКнинг 32-моддаси ҳам инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

ИПКнинг 34-моддаси:

- йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар жавобгар жойлашган ердаги туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига ёки Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судига тақдим этилиши мумкинлиги;
- йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар, шунингдек, товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкинлиги тўғрисидаги янги қисмлар билан тўлдирилди.

ИПК инвестициявий низолар бўйича ишлар жумласига кирувчи низоларнинг рўйхати келтирилган 301-модда билан ҳамда юридик шахслар, шу жумладан, чет эл юридик шахслари, хўжалик бошқаруви органлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатга оид ишлар жумласига киришини назарда тутувчи 302-модда билан тўлдирилди.

МСИЮТК ва ИПКга киритилган қайд этилган ўзгартиш ва қўшимчалар орқали ишларнинг маъмурий ва иқтисодий судларга тааллуқлилиги ўзгармайди, фақат кўрсатилган ишларнинг вилоят бўғини судлари ва Судлов таркиби ёки туман бўғини судларига тегишлилигини белгилайди.

Амалиётда МСИЮТК ва ИПКга киритилган янги нормаларни қўллаш бўйича саволлар туғилиши мумкинлиги сабабли инвестициявий низолар бўйича ишлар ва рақобатга оид ишларни кўришда процессуал қонун ҳужжатларини бир хилда қўллашга хизмат қилувчи мазкур қўлланма тайёрланди.

I. Инвестициявий низоларга доир ишлар бўйича иш юритиш

§ 1. Ишларнинг судга тааллуқлилиги

МСИЮтК ва ИПКга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар орқали ишларнинг маъмурий ва иқтисодий судларга тааллуқлилиги ўзгармайди.

МСИЮтКнинг 26-моддасида белгиланган ишларнинг тааллуқлилигига кўра, маъмурий суд давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

ИПКнинг 25-моддасида белгиланган ишларнинг тааллуқлилигига кўра, иқтисодий суд иқтисодиёт соҳасида давлат органлари ва инвесторлар ўртасидаги уларнинг инвестиция фаолиятдан келиб чиқадиган фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларни ҳал этади.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида инвестициявий низога чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо киритилган (63-модда).

Бироқ процессуал қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардаги “инвестициявий низолар бўйича ишлар” тушунчаси чет эл инвестициялари билан боғлиқ бўлган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эллик инвесторнинг инвестиция фаолиятини амалга ошириши чоғида юзага келадиган низо билан чекланмаган. Чунки бундай низонинг тарафи маҳаллий инвестор ҳам бўлиши мумкин. Бунда инобатга олиш керакки, процессуал қонунчилик давлат органи ва инвестор ўртасидаги унинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ ҳар қандай низони ҳам инвестициявий низо сифатида таснифламайди.

Хусусан, МСИЮтКда инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир ишлар киритилган (27¹-модда).

ИПК 30¹-моддасига кўра, инвестициявий низолар бўйича ишлар жумласига қуйидагилар кирилади:

- 1) инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ низолар;
- 2) инвестиция шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар;
- 3) инвестиция шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ низолар;
- 4) инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган солиққа, божхонага оид, ижтимоий, экологик мажбуриятларнинг ва бошқа мажбуриятларнинг инвестор томонидан бажарилиши билан боғлиқ низолар;
- 5) инвестиция шартномаси бўйича инвесторга берилган мол-мулкни талаб қилиб олиш, шунингдек, бундай шартнома бўйича неустойка ундириш ва (ёки) зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар.

Яъни МСИЮтК ва ИПКга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, маъмурий ва иқтисодий судларга тааллуқли бўлган инвестициявий низолар бўйича ишлар

жумласига бевосита инвестиция шартномаси билан боғлиқ бўлган ва/ёки ундан келиб чиқадиган низолар киради.

“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига кўра, инвестиция шартномаси бу инвестиция фаолияти субъектлари ўртасида тузиладиган, инвестиция шартномаси тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайдиган ёзма битимдир.

МСИЮтК ва ИПКга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, инвестиция фаолияти субъектлари (инвестиция шартномаси тарафлари) сифатида бир томондан Ўзбекистон Республикасини (унинг номидан давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколат берган бошқа органлар (ташкилотлар) ёки уларнинг бирлашмалари вакиллик қилади), иккинчи томондан фойда олиш мақсадида инвестиция фаолияти объектларига ўз маблағларини ва (ёки) қарз маблағларини ёхуд жалб қилинган бошқа инвестиция ресурсларини инвестиция қилишни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахслар (инвесторлар)ни тушуниш лозим бўлади.

Қайд этилганларга кўра, МСИЮтК ва ИПКга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, инвестор, шу жумладан, йирик инвестор ва давлат органлари ўртасида уларнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ шартнома мажбуриятлари юзасидан келиб чиққан низони инвестициявий низо сифатида тушуниш лозим бўлади.

Инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ шартнома мажбуриятлари сифатида инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун инвестор ва давлат органи ўртасидаги инвестиция контракти ёки бошқа шартномалар, шу жумладан, концессия шартномалари, давлат-хусусий шериклик тўғрисида келишувлар (шартномалар), хусусийлаштириш жараёнида сотиб олувчи (харидор) томонидан инвестициявий ва (ёки) ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиш шарти билан давлат мулкининг олди-сотди шартномалари шаклида расмийлаштирилган инвесторлар ва давлат органлари ўртасидаги мажбуриятлар тушунилади.

Бунда инвестиция фаолиятини амалга ошириш бўйича шартнома турлича номланиши ёки умуман номланмаслиги мумкин. Лекин унда асосий фарқли жиҳатлар, яъни шартнома предмети (инвестиция объекти), улуш миқдори, шунингдек, бундай турдаги шартномага татбиқ этиладиган бошқа барча муҳим шартлар бўлиши шарт.

§ 2. Ишларнинг судловга тегишлилиги

Инвестициявий низолар бўйича ишларнинг маъмурий суд судловига тегишлилиги МСИЮтКнинг 28-моддасида белгиланган. Унга кўра, инвестициявий низолар бўйича ишлар йирик инвесторнинг хоҳишига кўра, бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

Инвестициявий низолар бўйича ишларнинг иқтисодий судларнинг судловига тегишлилиги ИПКнинг 32-моддасида белгиланган. Унга кўра, йирик инвесторнинг хоҳишига кўра инвестициявий низолар бўйича ишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўрилади, бошқа инвестициявий низолар Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилади.

Бундай ишларнинг судловга тегишлилиги инвестор ҳисобланувчи аризачи (даъвогар)нинг танлови бўйича амалга оширилиши белгиланганини инобатга олиш лозим.

Агар аризачи йирик инвестор ҳисобланмаса, у ўз танловига кўра қарори низолашилаётган маъмурий орган жойлашган ҳудуддаги ёхуд ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан низолашилаётган мансабдор шахснинг иш жойи жойлашган туманлараро маъмурий судга ёки жавобгар жойлашган ердаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар маъмурий судига мурожаат қилиши мумкин.

Ўз навбатида, агар аризачи йирик инвестор ҳисобланмаса, у ўз танловига кўра туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига ёки жавобгар жойлашган ердаги Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар судига мурожаат қилиши мумкин.

Агар аризачи йирик инвестор ҳисобланса, у ўз танловига кўра:

- маъмурий судга тааллуқли ишлар бўйича қарори низолашилаётган маъмурий орган жойлашган жойдаги ёхуд ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан низолашилаётган мансабдор шахснинг иш жойи жойлашган туманлараро маъмурий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига;
- иқтисодий судга тааллуқли ишлар бўйича жавобгар жойлашган ердаги туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат қилиши мумкин.

Йирик инвестор томонидан Олий судга даъво (шикоят) беришда, у инвестицияни амалга ошириш бўйича шартномани ва йирик инвестор мақомига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатни, йирик инвестор бўлмаган шахс томонидан вилоят бўғинидаги судга шикоят берилганда эса инвестицияни амалга ошириш бўйича шартномани тақдим этиши шарт.

Даъвогарнинг танлови бўйича судловга тегишлилик қондаси давлат органларига татбиқ этилмайди. Шунинг учун инвесторнинг (йирик ёки йирик эмаслигидан қатъи назар) инвестиция фаолияти билан боғлиқ низо вужудга келганда, давлат органи, агар инвестор Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлса, жавобгар (инвестор) жойлашган ердаги иқтисодий судга ёхуд судловга тегишлиликни ўзгартириш тўғрисида келишув (шартнома бўйича судловга тегишлилик) мавжуд бўлса, бошқа иқтисодий судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши керак.

§ 3. Ишларни кўришга тайёрлаш

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар маъмурий судига инвесторнинг маъмурий органларнинг қарорлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан берган даъволари (шикоятлари) келиб тушганда, судья бундай аризани иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал этишда, низо инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиш билан боғлиқлигини аниқлаши керак.

Низо аризагининг инвестиция фаолияти билан боғлиқ эмаслиги ва инвестиция шартномаси талабларидан келиб чиқмаганлиги аниқланган тақдирда, ариза (шикоят) МСИЮтК 134-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига (*иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса*) асосан қайтарилиши керак. Агар ушбу ҳолат судьянинг аризани (шикоятни) ўзининг иш юритувига қабул қилганидан кейин аниқланса, ишни МСИЮтК 34-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига (*иш судловга тегишлилик қондасини бузган ҳолда қабул қилинганлиги ишни шу судда кўриш вақтида маълум бўлса*) асосан бошқа маъмурий судга ўтказиш лозим бўлади.

Бу қоида, шунингдек, Судлов таркибига йирик инвестордан инвестиция фаолияти билан боғлиқ ариза (шикоят) келиб тушганда, агар йирик инвесторнинг мақомини тасдиқловчи далиллар бўлмаса ёки низо инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиш билан боғлиқ эмаслиги аниқланган бўлса ҳам қўлланилади.

ИПКнинг 151-моддасига киритилган ўзгартиришга кўра, инвестициявий низолар бўйича даъво аризасига инвестиция шартномасининг кўчирма нусхаси, йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризасига эса, шунингдек, йирик инвестор эканлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилиниши керак.

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар судига йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризаси келиб тушганда, бундай аризани иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал этишда судья инвестиция шартномаси нусхасининг мавжудлигини текшириш, шунингдек, низо инвестиция фаолияти билан боғлиқ эканлигини аниқлаши керак.

Даъво аризасига инвестиция шартномаси нусхаси илова қилинмаган ёки низо даъвогарнинг (инвесторнинг) инвестиция фаолияти билан боғлиқ эмаслиги аниқланган ҳолларда даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига (иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса) асосан қайтарилиши, агар ушбу ҳолат даъво аризаси иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланса, ишни ИПК 39-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига *(иш судловга тегишлилик қоидаларини бузган ҳолда қабул қилинганлиги ишни шу судда кўриш чоғида маълум бўлса)* асосан бошқа иқтисодий судга ўтказиш лозим бўлади.

Судлов таркибига йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризаси келиб тушганда, бундай аризани иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал этишда, судья инвестиция шартномаси нусхасининг, шунингдек, даъвогарнинг йирик инвестор мақомига эга эканлигини тасдиқловчи далилнинг мавжудлигини текшириши лозим бўлади.

Даъво аризасига инвестиция шартномаси нусхаси ва даъвогарнинг йирик инвестор мақомига эга эканлигини тасдиқловчи далил илова қилинмаган бўлса ёки низо даъвогарнинг (инвесторнинг) инвестиция фаолияти билан боғлиқ эмаслиги аниқланган ҳолларда даъво аризаси ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига асосан қайтарилиши, агар ушбу ҳолат суднинг даъво аризасини иш юритишга қабул қилганидан кейин аниқланса, ишни ИПК 39-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига асосан бошқа иқтисодий судга ўтказиш лозим бўлади.

Агар инвестор (шу жумладан, йирик инвестор) судловга тегишлилик бўйича танлаш ҳуқуқидан фойдаланмасдан туманлараро маъмурий судга ёки туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига мурожаат қилган бўлса, даъво аризасига (шикоятга) инвестиция шартномасининг нусхаси ва йирик инвестор мақомига эга эканлигини тасдиқловчи далил илова қилиниши шарт эмас.

§ 4. Ишларни кўриб чиқиш хусусиятлари

Ишларни тоифалар бўйича тўғри ажратиш ва инвестиция низолари бўйича ишларнинг судловга тегишлилигини аниқлаш мақсадида судлар суд статистикасини юритиш чоғида низонинг инвесторнинг инвестиция фаолияти билан ва инвестиция шартномаси шартлари билан боғлиқлигини аниқлаши керак.

Инвесторларнинг вилоят бўғинидаги судларга ҳамда йирик инвесторларнинг Судлов таркибига мурожаат қилишларида ушбу масала юзасидан муаммолар вужудга келмайди. Чунки судларга даъво (шикоят) тақдим этишда инвесторлар процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга қатъий риоя этишлари керак бўлади *(даъво аризасига (шикоятга) инвестиция шартномаси нусхаларини илова қилиш, низоли ҳуқуқий муносабатларнинг моҳиятини очиб бериш, тузилган инвестиция шартномасининг давлат органи томонидан бузилган шартларини (бандларини) аниқ кўрсатиш)*.

Бироқ инвесторлар томонидан ўзларининг судловга тегишлилик бўйича танлаш ҳуқуқидан фойдаланмасдан, даъво аризаси (шикоятни) туман бўғини судларига тақдим этилган ҳолларда, шунингдек, давлат органлари томонидан даъво туман бўғини судига тақдим этилганда, судлар суд статистикасини тўғри юритиш мақсадида даъвогарнинг важларини ва иш ҳолатларини пухта ўрганиши лозим бўлади. Бундай ишларни кассация тартибида қайта кўриш Судлов таркиби томонидан амалга оширилиши билан боғлиқ ва шунинг учун низо инвестициявий низо ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини бошиданоқ аниқлаш лозим бўлади.

“Инвестициявий низолар” тушунчасига ёндашувларни белгилашда судлар солиқ, божхона, экологик ва шартнома мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган инвесторлар иштирокидаги бошқа оммавий-ҳуқуқий низолар бошқа низолар тоифасига мансуб эканлигини инобатга олишлари лозим.

Инвестор даъво аризаси (шикоят) билан вилоят бўғини судига, йирик инвестор эса Судлов таркибига мурожаат қилган ва у суд томонидан иш юритишга қабул қилинган бўлиб, лекин ишни кўриш жараёнида низо инвестиция шартномаси шартларини бажариш билан боғлиқ эмаслиги аниқланган ҳолларда, ишни МСИЮтК 34-моддаси биринчи қисмининг 1-банди ва ИПК 39-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига асосан туман бўғини судига ўтказиш лозим бўлади.

Бунда агар ишни ўтказиш учун асос мавжуд бўлиб, лекин иш бошқа судга ўтказилмасдан, низо шу суд томонидан мазмунан ҳал этилган бўлса ҳамда ушбу ҳолат, агар суд ҳужжатини бекор қилиш учун бошқа асослар бўлмаса, суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўла олмайди.

II. Рақобатга оид ишлар бўйича иш юритиш

§ 1. Ишларнинг судга тааллуқлилиги

МСИЮТК ва ИПКга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар рақобатга оид ишларнинг маъмурий ва иқтисодий судга тааллуқлилигини ўзгартирмайди.

МСИЮТК 27²-модда билан тўлдирилди. Унга кўра, рақобатга оид ишлар жумласига юридик шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий судга тааллуқли низолар киради.

МСИЮТКнинг судга тааллуқли ишлар белгиланган 26-моддасига кўра, маъмурий суд маъмурий органлар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда инвесторларнинг (фуқаролар ёки юридик шахслар) ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади.

Шу муносабат билан, судлар шуни инобатга олишлари керакки, маъмурий судларга тааллуқли рақобатга оид ишларга монополияга қарши органларнинг ва улар мансабдор шахсларининг товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, қонун ҳужжатларига мос келмайдиган, юридик шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар (бундан буён матнда хўжалик юритувчи субъектлар деб юритилади)нинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги ишлар тааллуқли ҳисобланади.

ИПКнинг судга тааллуқли ишлар белгиланган 25-моддасига кўра, иқтисодий суд иқтисодиёт соҳасида фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, шу жумладан, рақобатга оид низоларни ҳал қилади.

ИПКнинг 302-моддасига кўра, рақобатга оид ишлар жумласига юридик шахслар, шу жумладан, чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар киради.

Яъни МСИЮТК ва ИПКга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, низони рақобатга оид ишлар жумласига киритишнинг асосий шарти низо хўжалик юритувчи субъект ҳамда монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиққанлиги ҳисобланади.

Хусусан, маъмурий судга монополияга қарши органнинг:

- хўжалик юритувчи субъектни товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектлар Давлат реестрига киритиш;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан рақобатга қарши ҳаракатлар натижасида асоссиз равишда олинган даромадни (фойдани) олиб қўйиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун тегишли жавобгарликка тортиш;
- хўжалик юритувчи субъектнинг ҳаракатларини инсофсиз рақобат деб топиш тўғрисидаги қарорлари бўйича низолашиш мумкин.

Монополияга қарши органнинг ва улар мансабдор шахсларининг маъмурий судда низолашиладиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га, хусусан, қуйидагилар киради:

- шахс ёки шахслар гуруҳининг хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бўйича ҳаракатларни амалга оширишга, устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимларни амалга оширишга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини бузганлик;
- қайд этилган ҳаракатлар (битимлар)ни амалга ошириш учун олдиндан розилик беришни рад қилганлик;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини текширишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузганлик;
- “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ монополияга қарши органга берилган ваколатларни амалга ошириш муносабати билан маълум бўлиб қолган тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилганлик.

Иқтисодий судларга тааллуқли рақобатга оид ишлар жумласига, хусусан,

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган битимларни (шартномаларни) ўзгартириш ёки бекор қилиш;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган битимларни (шартномаларни) бутунлай ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида олинган даромадни (фойдани) белгиланган тартибда ундириш;
- танлов (тендер) ва биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар бузилганлиги асослари бўйича савдоларни ва мазкур савдолар натижасида тузилган битимларни (шартномаларни) ҳақиқий эмас деб топиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш;
- монополияга қарши орган томонидан нотўғри ундирилган маблағлар ва жарималарни қайтариш;
- монополияга қарши орган томонидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчи қарор қабул қилиниши натижасида етказилган зарарни ундириш тўғрисидаги низолар киради.

Юқорида қайд этилган низолар рўйхати тугал ҳисобланмаслигини инобатга олиш лозим.

§ 2. Ишларнинг судловга тегишлилиги

Рақобатга оид ишларнинг маъмурий судлар судловига тегишлилиги МСИЮтКнинг 28- ва 33-моддаларида белгиланган. Унга кўра, рақобатга оид ишлар тарафларнинг хоҳишига кўра бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

Рақобатга оид ишларнинг иқтисодий судлар судловига тегишлилиги ИПКнинг 32- ва 34-моддаларида белгиланган. Унга кўра, бундай тоифадаги ишлар тарафларнинг хоҳишига кўра бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

Бундай ишлар бўйича судловга тегишлилик рақобатга оид ишларда тараф ҳисобланадиган аризачининг (даъвогарнинг) танлови бўйича амалга оширилиши белгиланганини инобатга олиш лозим. Маъмурий судга тааллуқли бўлган рақобатга оид ишлар бўйича аризачи (хўжалик юритувчи субъект) ўз хоҳишига кўра қарори, мансабдор шахсининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан низолашилаётган монополияга қарши орган жойлашган туманлараро маъмурий судга ёки Олий судига муурожаат қилиши мумкин.

Иқтисодий судга тааллуқли бўлган рақобатга оид ишлар бўйича даъвогар (хўжалик юритувчи субъект ёки монополияга қарши орган) ўз хоҳишига кўра, жавобгар жойлашган ердаги туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судига ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига муурожаат қилиши мумкин.

§ 3. Ишларни кўришга тайёрлаш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 15 майдаги 402-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси тўғрисидаги Низомга кўра, монополияга қарши органнинг функциясига нафақат рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича назоратни амалга ошириш, балки қонунда белгиланган тартибда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши бўйича назоратни амалга ошириш, шунингдек, табиий монополия субъектлари фаолиятини тартибга солиш ҳам киради.

Хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда монополияга қарши орган ўртасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатга оид ишлар жумласига кирмайди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рекламадан инсофсиз рақобат мақсадларида фойдаланганлиги ҳолатлари бундан мустасно ҳисобланади.

Қайд этилганларга кўра, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда монополияга қарши орган ўртасидаги рақобатга оид қонун ҳужжатларини (“Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатларни давлат томонидан тартибга солинишини такомиллаштириш мақсадида қабул қилган қарорлари ва ҳ.к.) қўллаш билан боғлиқ низолар рақобатга оид ишлар ҳисобланади.

Бунда “Рақобат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидалари табиий монополиялар субъектларига нисбатан бу қоидаларнинг қўлланилиши мазкур субъектларнинг ўзига хос функциялари бажарилишини чеклаб қўймайдиган ҳолатларда татбиқ этилишини инобатга олиш лозим.

Шу муносабат билан, Олий суднинг Судлов таркибига хўжалик юритувчи субъект томонидан монополияга қарши органнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан берилган аризани (шикоятни), судга тааллуқли рақобатга оид ишлар бўйича берилган даъво аризасини (аризани) иш юритишга қабул қилиш масаласини ҳал этаётганда, судья низо товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиққанлигини аниқлаши керак.

Олий суд судьяси томонидан низо товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқмаганлиги аниқланган тақдирда:

- ариза (шикоят) МСИЮтК 134-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига (*иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса*) асосан қайтарилиши, ушбу

ҳолат суд томонидан аризани (шикоятни) ўзининг иш юритувиغا қабул қилинганидан кейин аниқланган тақдирда, МСИЮтК 34-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига (*иш судловга тегишлилик қондасини бузган ҳолда қабул қилинганлиги ишни шу судда кўриш вақтида маълум бўлса*) асосан иш жавобгар жойлашган ердаги тегишли маъмурий судга ўтказилиши керак;

- даъво аризаси (ариза) ИПК 155-моддаси биринчи қисмининг 3-бандига (*иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаса*) асосан қайтарилиши, ушбу ҳолат суд томонидан даъво аризасини (аризани) ўзининг иш юритувиغا қабул қилинганидан кейин аниқланган тақдирда, ИПК 39-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига (*иш судловга тегишлилик қоидаларини бузган ҳолда қабул қилинганлиги ишни шу судда кўриш чоғида маълум бўлса*) асосан иш жавобгар жойлашган ердаги тегишли иқтисодий судга ўтказилиши керак.

Низо товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиққанлиги аниқланган ҳолларда, агар даъво аризасини (аризани, шикоятни) қайтариш ёки қабул қилишни рад этиш учун асослар мавжуд бўлмаса, даъво аризаси (ариза, шикоят) иш юритишга қабул қилиниши керак.

Агар рақобатга оид ишдаги тарафлар ишни биринчи инстанция судида кўриш учун бевосита Олий суднинг Судлов таркибига мурожаат қилиш ҳуқуқидан фойдаланмасдан жавобгар жойлашган ердаги тегишли судга мурожаат қилган бўлсалар, мазкур параграфда келтирилган қоидалар даъво аризасини (аризани, шикоятни) иш мазкур суднинг судловига тегишли бўлмаганлиги сабабли, қайтариш ва ишни тегишли судга ўтказишда қўлланилмайди.

§ 4. Ишларни кўриб чиқиш хусусиятлари

Ишларни тоифалар бўйича тўғри фарқлаш ва рақобат тўғрисидаги ишларнинг судловга тегишлилигини аниқлаш мақсадида, суд статистикасини юритиш чоғида низонинг товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатларга боғлиқлигини аниқлаш лозим бўлади.

Рақобатга оид низоларнинг тарафлари монополияга қарши орган ва хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. Бироқ тарафлардан бирининг монополияга қарши орган ҳисобланишининг ўзи низо рақобатга оид эканини англатмайди.

“Рақобат тўғрисида”ги қонунга кўра, монополияга қарши орган, шунингдек,

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун давлат бошқаруви органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, уларнинг мансабдор шахсларини тегишли жавобгарликка тортиш;
- давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказиш;
- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бутунлай ёки қисман мувофиқ бўлмаган ҳужжатларини ва ҳаракатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Шу муносабат билан, процессуал қонун ҳужжатларига кўра, давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар мансабдор шахслари томонидан монополияга қарши органнинг товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун тегишли жавобгарликка тортиш тўғрисидаги

қарорлари, шунингдек, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан низолашиши рақобатга оид низолар тоифасига кирмайди.

Рақобатга оид ишларга монополияга қарши орган ва табиий монополия субъектлари ўртасида “Табиий монополиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўллаш билан боғлиқ вужудга келадиган низолар ҳам кирмайди.

Шу муносабат билан, агар хўжалик юритувчи субъект ёки монополияга қарши орган Судлов таркибига даъво аризаси (шикоят) билан мурожаат қилган ва у иш юритишга қабул қилинган бўлса, бироқ ишни кўриш жараёнида низо товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлар билан боғлиқ эмаслиги аниқланса, ишни МСИЮТК 34-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига, ИПК 39-моддаси иккинчи қисмининг 1-бандига асосан туман бўғини судига ўтказиш лозим бўлади.

Бунда агар ишни ўтказиш учун асослар мавжуд бўлиб, бироқ иш ўтказилмаган ва у шу суд томонидан мазмунан ҳал этилган бўлса, ушбу ҳолат, агар суд ҳужжатини бекор қилиш учун бошқа асослар мавжуд бўлмаса, суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўлмайди.

III. Инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишлар бўйича суд ҳужжатларини қайта кўриш

Инвестициявий низолар ва рақобатга оид ишлар бўйича қабул қилинган суд ҳужжатларини қайта кўриш МСИЮтК ва ИПКда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Туманлараро маъмурий суд, туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий суди ҳужжатлари вилоят бўғини судлари томонидан апелляция тартибида, кейинчалик эса Судлов таркиби томонидан кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Маъмурий ва иқтисодий судларнинг вилоят бўғини томонидан қабул қилинган суд ҳужжатлари эса Судлов таркиби томонидан апелляция ва кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Судлов таркибининг биринчи инстанция судида қабул қилган суд ҳужжатлари Судлов таркиби томонидан апелляция ва кассация тартибида қайта кўрилиши мумкин.

Судлов ҳайъати томонидан маъмурий суднинг, шунингдек, Судлов ҳайъатининг маъмурий судга тааллуқли иши юзасидан биринчи инстанцияда қабул қилган суд ҳужжатларини қайта кўришда МСИЮтКнинг қоидалари қўлланилади.

Судлов ҳайъати томонидан иқтисодий суднинг, шунингдек, Судлов ҳайъатининг иқтисодий судга тааллуқли иши юзасидан биринчи инстанцияда қабул қилган суд ҳужжатларини қайта кўришда ИПКнинг қоидалари қўлланилади.

IV. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ 24.07.2020 й. № ПФ-6034

СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОДИЛ СУДЛОВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА (кўчирма)

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш, фуқаро ва тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, одил судловни самарали таъминлаш ҳамда судьялар ҳамжамияти ролини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида одил судлов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга чиқди.

Хусусан, ноҳақ айбланган 2,3 мингга яқин киши оқланди, адашиб жиноят йўлига кириб қолгани сабабли озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилиниши мумкин бўлган 3,5 мингдан ортиқ ёшлар ва хотин-қизларга маҳалла ва жамоатчилик кафилликлари асосида енгилроқ жазолар тайинланиб, ўз оилалари бағрида қолдирилди, инсон ҳуқуқларини қўпол тарзда бузган 60 нафар ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари жиноий жавобгарликка тортилди.

Шу билан бирга, суд ҳимоясини таъминлашдаги ортиқча бюрократик тўсиқлар сақланиб қолаётганлиги, суд қарорларини қайта кўришнинг бир-бирини такрорловчи босқичлари мавжудлиги, инвесторлар ҳуқуқларининг суд ҳимоясида бўлиши етарли даражада ташкил этилмаганлиги ва бошқа бир қатор камчиликлар суд органларининг амалдаги тузилишини замон талаблари ва халқаро стандартларга мувофиқ қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил

24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ соҳасида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини юксалтириш, ишларни судда кўриш сифатини ошириш ҳамда холис, адолатли ва қонуний суд қарорларини қабул қилиш учун тарафларнинг тенглиги ва тортишувчанлигини амалда таъминлаш механизмларини кенгайтириш мақсадида:

...

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатасининг Олий суд тузилмасида инвестициявий низоларни ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш бўйича судлов таркибини (кейинги ўринларда – Судлов таркиби) тузиш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

Судлов таркибига инвестиция киритилган санада йигирма миллион АҚШ доллари эквивалентидан кам бўлмаган миқдорда инвестицияни амалга оширган жисмоний ёки юридик шахслар (кейинги ўринларда – йирик инвесторлар) ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган инвестициявий низолар ҳамда рақобатга оид ишларни кўриш ваколати берилсин.

Белгилансинки:

- инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторларнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Судлов таркиби томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши;
- қолган инвестициявий низолар инвесторларнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар суди томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилиши мумкин.

...

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. Мирзиёев

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ИҚТИСОДИЙ ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ
(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 24 январдаги
ЎРҚ-461-сонли Қонуни билан тасдиқланган)
(кўчирма)

25-модда. Ишларнинг судга тааллуқлилиги

Иқтисодий судга:

- 1) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ҳамда юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тартибда олган фуқаролар, шунингдек, корпоратив низолар бўйича ишлар кўрилади тарафлар бўлган фуқаролар (бундан буён матнда фуқаролар деб юритилади) ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган низоларга доир ишлар;
- 2) иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши учун аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш (бундан буён матнда юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни аниқлаш деб юритилади) тўғрисидаги ишлар;
- 3) банкротлик тўғрисидаги ишлар;
- 4) ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар;
- 5) ушбу Кодекснинг 30-моддасида кўрсатилган корпоратив низолар бўйича ишлар, бундан меҳнатга оид низолар мустасно;
- 5¹) ушбу Кодекснинг 30¹-моддасида кўрсатилган инвестициявий низолар бўйича ишлар; (*Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли Қонунига мувофиқ киритилган хатбоши*)
- 5²) ушбу Кодекснинг 30²-моддасида кўрсатилган рақобатга оид ишлар; (*Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли Қонунига мувофиқ киритилган хатбоши*);
- 6) чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижро этишга қаратиш тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган фуқаролар иштирокидаги низоларга доир ишлар ҳам, агар тегишли талаблар уларнинг аввалги тадбиркорлик фаолиятдан келиб чиқса, судга тааллуқли бўлади.

Қонун билан судга тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суд ўзига тааллуқли ишларни тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари, шунингдек чет эл юридик шахслари, халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокида кўради.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари иқтисодий судга, бошқалари эса фуқаролик ишлари бўйича судга тааллуқли бўлган бир нечта талаб бирлаштирилган тақдирда, барча талаблар фуқаролик ишлари бўйича судда кўрилиши лозим.

Ўзаро боғлиқ бўлиб, баъзилари маъмурий судга, бошқалари эса иқтисодий судга тааллуқли бўлган бир нечта талабни бирлаштиришга йўл қўйилмайди.

Ушбу модда биринчи қисмининг 5 ва 5¹-бандларида кўрсатилган ишлар низо юзага келган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси юридик ёки жисмоний

шахслар бўлишидан қатъи назар, суд томонидан кўриб чиқилади. (Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли Қонуни таҳриридаги қисм).

30¹-модда. Инвестициявий низолар бўйича ишлар

(Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли Қонунига мувофиқ киритилган модда)

Инвестициявий низолар бўйича ишлар жумласига қуйидагилар киради:

- 1) инвестиция шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ низолар;
- 2) инвестиция шартномаларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги низолар;
- 3) инвестиция шартномасининг бажарилиши билан боғлиқ низолар;
- 4) инвестиция шартномасидан келиб чиқадиган солиқ, божхона, ижтимоий, экологик ва бошқа мажбуриятларнинг инвестор томонидан бажарилиши билан боғлиқ низолар;
- 5) инвестиция шартномаси бўйича инвесторга берилган мол-мулкни талаб қилиб олиш ёки бундай шартнома бўйича неустойка ундириш ва (ёки) зарарлар ўрнини қоплаш тўғрисидаги низолар.

30²-модда. Рақобатга оид ишлар

(Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли Қонунига мувофиқ киритилган модда)

Юридик шахслар, шу жумладан чет эл юридик шахслари, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатга оид ишлар жумласига киради».

32-модда. Ишларнинг судловга тегишлилиги

(Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли Қонуни таҳриридаги модда)

Судга тааллуқли ишлар туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судлари томонидан кўрилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари судловига тегишли ишлар мустасно.

Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари:

- тарафлардан бири Ўзбекистон Республикаси норезиденти – чет эл шахси бўлган ишларни;
- чет давлат судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларни кўради.

Давлат бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низолар Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан кўрилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди алоҳида ҳолатларни эътиборга олган ҳолда ҳар қандай ишни исталган суддан олиб қўйиш ва уни биринчи инстанция бўйича ўз иш юритувига қабул қилишга, ишни бир суддан бошқасига ўтказишга ҳақли.

Инвестициявий низолар бўйича йирик инвесторнинг, рақобатга оид ишлар бўйича тарафларнинг хоҳишига кўра, ушбу тоифадаги ишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўрилади.

34-модда. Даъвогарнинг танлови бўйича судловга тегишлилик

Турли ерларда жойлашган бир неча жавобгарга нисбатан даъволар даъвогарнинг танлаши бўйича жавобгарлардан бири давлат рўйхатидан ўтган жойдаги судга тақдим этилади.

Давлат рўйхатидан ўтган жойи номаълум бўлган жавобгарга нисбатан даъволар унинг мол-мулки жойлашган ердаги ёки унинг маълум бўлган охириги жойлашган еридаги судга тақдим этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ва бошқа давлат ҳудудида турган жавобгарга нисбатан даъволар даъвогар жойлашган ерда ёки жавобгарнинг мол-мулки жойлашган ерда тақдим этилиши мумкин.

Ижро этиш жойи кўрсатилган шартномадан келиб чиқадиган даъволар мажбурият ижро этиладиган жой бўйича тақдим этилиши мумкин.

Йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар жавобгар жойлашган ердаги туман (шаҳар), туманлараро иқтисодий судга ёки Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тақдим этилиши мумкин. (*Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли Қонунига мувофиқ киритилган қисм*)

Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъволар, шунингдек товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган даъволар жавобгар жойлашган ердаги туман (шаҳар), туманлараро иқтисодий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкин. (*Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли Қонунига мувофиқ киритилган қисм*)

151-модда. Даъво аризасига илова қилинадиган ҳужжатлар

Даъво аризасига қуйидагиларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади:

- 1) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи ва почта харажатлари тўланганлигини;
- 2) даъво аризасининг кўчирма нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга ва учинчи шахсларга юборилганлигини;
- 3) жавобгар билан низони судгача ҳал қилиш (талабнома юбориш) тартибига риоя этилганлигини, агар бу шу тоифадаги низолар учун қонунда ёки шартномада назарда тутилган бўлса;
- 4) даъво талабларига асос бўлган ҳолатларни;
- 5) даъвогарнинг юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини;
- 6) даъво аризасини имзолаш ваколатини, агар у вакил томонидан имзоланган бўлса.

Шартнома тузишга мажбур этиш тўғрисидаги даъво аризасига шартнома лойиҳаси ҳам илова қилинади.

Инвестициявий низолар бўйича даъво аризасига инвестиция шартномасининг қўчирма нусхаси, йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризасига эса унинг йирик инвесторлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳам илова қилинади. (Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-663-сонли Қонунига мувофиқ киритилган қисм).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ
ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСИ

*(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 25 январдаги
ЎРҚ-462-сонли Қонуни билан тасдиқланган)
(к ў ч и р м а)*

27-модда. Суд томонидан ҳал этиладиган ишлар

Суд:

- 1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- 2) давлат бошқаруви органларининг, маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни амалга оширишга ваколатли бўлган бошқа органларнинг (бундан буён матнда маъмурий органлар деб юритилади), фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ва улар мансабдор шахсларининг қонун ҳужжатларига мос келмайдиган ҳамда фуқаролар ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- 3) сайлов комиссияларининг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- 4) нотариал ҳаракатни амалга ошириш, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзишни рўйхатга олиш рад этилганлиги ёки нотариуснинг ёхуд фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи мансабдор шахсининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги;
- 5) давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш ёхуд белгиланган муддатда давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товлаш устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни ҳал қилади;
- 6) ушбу Кодекснинг 271-моддасида кўрсатилган инвестиция низолари бўйича; *(Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-662-сонли Қонунига мувофиқ киритилган хатбоши);*
- 7) ушбу Кодекснинг 272-моддасида кўрсатилган рақобат тўғрисидаги ишларни ҳал қилади. *(Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-662-сонли Қонунига мувофиқ киритилган хатбоши).*

Суд фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келадиган, қонун билан ўзининг ваколатига киритилган бошқа ишларни ҳам ҳал қилади.

27¹-модда. Инвестициявий низолар бўйича ишлар

*(Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги
ЎРҚ-662-сонли Қонунига мувофиқ киритилган модда)*

Инвестициявий низолар жумласига инвесторлар билан маъмурий органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги улар мансабдор шахсларининг инвестиция шартномаси шартларига риоя қилиниши билан боғлиқ қарорларига, ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) доир ишлар киради.

27²-модда. Рақобат тўғрисидаги ишлар

(Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-662-сонли Қонунига мувофиқ киритилган модда)

Рақобат тўғрисидаги ишлар бўлиб юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, маъмурий суд судловига тегишли низолар ҳисобланади.

28-модда. Ишларнинг судловга тегишлилиги

(Ўзбекистон Республикасининг 12 январдаги ЎРҚ-662-сонли Қонуни таҳриридаги модда)

Судга тааллуқли ишлар туманлараро маъмурий судлар томонидан кўрилади, бундан Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди судловига тегишли ишлар мустасно.

Инвестиция низолари бўйича йирик инвесторнинг, рақобат тўғрисидаги ишлар бўйича томонларнинг хоҳишига кўра ушбу тоифадаги ишлар бевосита Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан, қолган инвестициявий низолар инвесторнинг хоҳишига кўра, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари томонидан биринчи инстанция суди сифатида кўриб чиқилади.

33-модда. Аризачининг танлови бўйича судловга тегишлилик

Турли ерларда жойлашган бир нечта жавобгарга нисбатан ариза (шикоят) аризачининг танлови бўйича жавобгарлардан бири жойлашган ердаги судга тақдим этилади.

Йирик инвестор бўлмаган инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари) жавобгар жойлашган ердаги туманлараро маъмурий судга ёки Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларига тақдим этилиши мумкин. *(Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-662-сонли Қонунига мувофиқ киритилган қисм).*

Йирик инвесторнинг инвестиция фаолияти билан боғлиқ даъво аризалари (шикоятлари), шунингдек товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган даъво аризалари туманлараро маъмурий судга ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судига тақдим этилиши мумкин. *(Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 12 январдаги ЎРҚ-662-сонли Қонунига мувофиқ киритилган қисм).*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING
ҚОНУНИ
06.01.2012 й. № ЎРҚ-319**

РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДА

*(Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 14 ноябрда қабул қилинган,
Сенат томонидан 2011 йил 5 декабрда маъқулланган)*

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний шахслар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва (ёки) ундан ташқарида содир этиладиган, Ўзбекистон Республикасидаги товар ва молия бозорларида рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатларига нисбатан татбиқ этилади.

Ушбу Қонун интеллектуал мулк объектларига бўлган мутлақ ҳуқуқлар билан боғлиқ муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди, бундан ушбу Қонуннинг 13-моддасида назарда тутилган ҳаракатлар мустасно.

Ушбу Қонуннинг қоидалари табиий монополиялар субъектларига нисбатан бу қоидаларнинг қўлланилиши мазкур субъектларнинг ўзига хос вазифалари бажарилишини чеклаб қўймайдиган ҳолатларда татбиқ этилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар - ўзининг белгиланган вазифаси, қўлланилиши, сифат ва техник хусусиятлари, нархи ҳамда бошқа параметрлари бўйича таққосланиши мумкин бўлган шундай товарларки, уларни олувчи истеъмол қилиш чоғида бир товарни бошқасига ҳақиқатан ҳам алмаштиради ёки алмаштиришга тайёр бўлади;

инсофсиз рақобат – хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

иқтисодий концентрация – хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устунлигига олиб келадиган, товар ёки молия бозоридаги рақобатнинг ҳолатига таъсир кўрсатадиган битимлар тузиш ва (ёки) бошқа ҳаракатларни содир этиш;

иқтисодий фаолиятни мувофиқлаштириш – хўжалик юритувчи субъектлар ҳаракатларини бундай хўжалик юритувчи субъектлардан бирортаси билан ҳам бир шахслар гуруҳига кирмайдиган юридик ёки жисмоний шахс билан келишиб олиш;

камситувчи шартлар (шароитлар) – товар ёки молия бозорига кириш, товарни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, олиш, реализация қилиш, ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш шартлари (шароитлари) бўлиб, улар бошқа тенг шартларда (шароитларда) битта ёки бир нечта хўжалик юритувчи субъектни ўзга хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) билан таққослаганда тенг бўлмаган ҳолатга солиб қўяди;

келишиб олинган ҳаракатлар – товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари;

келишув – икки ва ундан ортиқ тарафларнинг рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган, ҳужжатда ёки бир нечта ҳужжатда акс этган ёзма шаклдаги шартлашуви, шунингдек оғзаки шаклдаги шартлашуви; (*Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонунига мувофиқ киритилган хатбоши*).

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонунига мувофиқ саккизинчи-ўн тўртинчи хатбошилари тўққизинчи-ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин

молия бозори – банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади;

нотўғри таққослаш – рақобатчилар ёки бошқа шахслар томонидан тарқатиладиган, товар ёки молия бозорида айрим хўжалик юритувчи субъектга афзалликлар яратадиган ёхуд хўжалик юритувчи субъектни (рақобатчини) ёки рақобатчи ишлаб чиқарган товарни ёмонловчи ёлғон, ноаниқ ёки бузиб таққослаш;

рақобат – хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди;

рақобатга қарши ҳаракатлар – рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат

бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги);

товар – фаолиятнинг олиш ва реализация қилиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан, ишлар ва хизматлар;

товар бозори – товарнинг (шу жумладан, бир-бирининг ўрнини босадиган товарнинг) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида товарни олиш ёки реализация қилиш имконияти мавжуд бўлади;

ҳўжалик юритувчи субъект – товарларни ишлаб чиқариш, олиш ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс, шу жумладан, чет эллик юридик шахс, хўжалик бошқаруви органи, шунингдек, яқка тартибдаги тадбиркор.

5-модда. Шахслар гуруҳи

Ягона (умумий) иқтисодий манфаатга эга бўлган шахслар йиғиндиси шахслар гуруҳи деб эътироф этилиб, уларга татбиқан қуйидаги бир ёки бир нечта шарт бажарилади:

- икки ва ундан ортиқ юридик шахснинг бири бевосита ёки билвосита, шунингдек ўзга шахслардан олган ваколатларига мувофиқ бошқа юридик шахс устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоизидан ортиғига эгаллик қилади;
- икки ва ундан ортиқ юридик шахсда айна бир жисмоний шахс, шунингдек унинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчилари), болалари (фарзандликка олинган болалари), туғишган ва ўғай ака-укалари ҳамда опасингиллари (бундан буён матнда яқин қариндошлари деб юритилади) ушбу юридик шахслардаги иштироки туфайли ёхуд бошқа шахслардан олган ваколатларига мувофиқ мазкур юридик шахслардан ҳар бирининг устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоизидан ортиғига эга бўлади;
- икки ва ундан ортиқ юридик шахсда айна бир юридик шахс ушбу юридик шахсларда ўзининг иштироки туфайли ёхуд бошқа шахслардан олган ваколатларига мувофиқ мазкур юридик шахслардан ҳар бирининг устав фондининг (устав капиталининг) эллик фоизидан ортиғига эга бўлади;
- икки ва ундан ортиқ юридик шахснинг ижро этувчи органи таркибига айна бир жисмоний шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари киради;
- икки ва ундан ортиқ юридик шахснинг коллегиял ижро этувчи органи ва (ёки) кузатув кенгаши сон таркибининг эллик фоизидан ортиғини айна бир жисмоний шахслар ва уларнинг яқин қариндошлари ташкил этади;
- икки ва ундан ортиқ юридик шахслардан бири қонун ҳужжатларига ёки ушбу юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ёхуд улар ўртасида тузилган шартномаларга асосан ушбу юридик шахсларга ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлади;
- икки ва ундан ортиқ юридик шахсда айна бир жисмоний шахс ёки айна бир юридик шахс қонун ҳужжатларига ва ушбу юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатларига ёхуд улар билан тузилган шартномаларга асосан уларга ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беришга ҳақли бўлади.

Ушбу Қонунда шахслар гуруҳига товар ёки молия бозорининг ягона субъекти сифатида қаралади.

6-модда. Устун мавқе

Устун мавқе товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёхуд шахслар гуруҳининг рақобатлашувчи хўжалик юритувчи субъектларга боғлиқ бўлмаган ҳолда унга ўз фаолиятини амалга ошириш ва рақобатнинг ҳолатига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиш, тегишли бозорга бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришини қийинлаштириш ёхуд уларнинг иқтисодий фаолият эркинлигини бошқача тарзда чеклаш имкониятини берадиган ҳолатидир.

Товар бозорида қайси хўжалик юритувчи субъект ёки шахслар гуруҳи товарининг улуши:

- 1) эллик ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса;
- 2) ўттиз беш фоиздан эллик фоизгача ҳажмда бўлиб, бунда қуйидаги шартлар:
 - хўжалик юритувчи субъектнинг товар бозоридаги улуши камида бир йил мобайнида барқарор бўлиб туриши;
 - товар бозорида бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) тегишли улушларнинг нисбий миқдорда бўлиб туриши;
 - ушбу бозорга янги хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) киришига имконият бўлиши шартлари белгиланган бўлса, шу хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг мавқеи устун мавқе деб эътироф этилади.

Молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеини эътироф этиш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

7-модда. Товарнинг монопол юқори нархи

Товарнинг товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан белгиланадиган нархи, агар ушбу нарх:

- бундай товарни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш учун зарур бўлган харажатлар ҳамда фойда суммасидан юқори бўлса;
- асоссиз харажатларнинг ўрнини қоплашга ёки товарнинг сифатини пасайтириш натижасида қўшимча фойда олишга йўналтирилган бўлса, монопол юқори нархдир.

Товарнинг нархи биржа савдолари яқунларига кўра шаклланган тақдирда, у монопол юқори нарх деб эътироф этилмайди.

Товарнинг молия бозоридаги монопол юқори нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

8-модда. Товарнинг монопол паст нархи

Товар бозорида сотувчи ёки сотиб олувчи сифатида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект томонидан товарнинг таннархидан паст даражада ва ушбу товарни сотишдан зарар келтирадиган даражада белгиланадиган, натижада рақобатнинг чекланишига олиб келадиган нарх товарнинг монопол паст нархидир.

Товарнинг молия бозоридаги монопол паст нархи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аниқланади.

9-модда. Товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги ваколатли орган

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органлари (бундан буён матнда монополияга қарши орган деб юритилади) товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги ваколатли органдир. (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 3 январдаги ЎРҚ-456-сонли Қонуни таҳриридаги қисм)

Монополияга қарши орган товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги, хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатга қарши ҳаракатларини, инсофсиз рақобатини чеклаш ва уларнинг олдини олишга ҳамда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ғайриқонуний ҳаракатларига йўл қўймасликка қаратилган давлат сиёсатини амалга оширади.

2-БОБ. РАҚОБАТГА ҚАРШИ ҲАРАКАТЛАР

10-модда. Устун мавқени суиистеъмол қилиш

Хўжалик юритувчи субъектнинг пировард натижада рақобатни чеклашга ва (ёки) истеъмолчиларнинг, бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини камситишга олиб келадиган тақиқланган ҳаракатлари, шу жумладан, қуйидаги ҳаракатлари: (*Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши*).

- муомалада бўлган товарларнинг ҳажмини товар ёки молия бозорида тақчилликни келтириб чиқариш ёки сақлаб туриш мақсадида нархларнинг ошишига олиб келадиган тарзда қисқартириши;
- товарнинг монопол юқори ёки монопол паст нархларини белгилаши;
- шартнома предметиға тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан, молиявий маблағларни, бошқа мол-мулкни, мулкый ҳуқуқларни ўзга шахсга ўтказишга доир асоссиз талабларни, шунингдек рақобатнинг чекланишиға олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган бошқа ҳаракатларни содир этиш талабларини мажбуран қабул қилдириши;
- шартномаға камситувчи шартларни киритиши, хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа хўжалик юритувчи субъектлар (рақобатчилар) томонидан ишлаб чиқариладиган товарларнинг олишини ёки реализация қилишини тақиқлаши ёхуд чеклаши;
- контрагент томонидан бошқа товарларни олиш ёки реализация қилиш ёхуд контрагентнинг товарларни ўзга хўжалик юритувчи субъектлардан олишдан ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектларға реализация қилишдан ўзини тийиши шарти билангина шартнома тузишға розилик бериши;
- тегишли товарни ишлаб чиқариш ёки реализация қилиш имконияти бўла туриб, шартнома тузишдан асоссиз равишда бош тортиши;
- товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг киришиға тўсиқлар қўйиши товар ёки молия бозорида устун мавқени суиистеъмол қилиш деб эътироф этилади.

11-модда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларини тақиқлаш

(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги модда номи)

Товар ёки молия бозорида ўзаро рақобатлашаётган хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, потенциал рақобатчилар бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги келишиб олинган ҳаракатлар ва келишувлар, агар бундай келишиб олинган ҳаракатлар ва келишувлар: *(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши)*.

- сунъий равишда нархлар, тарифлар, чегирмалар, устамалар, қўшимча тўловларни ёки устама нархларни белгилашга ёки сақлаб туришга;
- нархларни сунъий равишда оширган ёки пасайтирган ҳолда эркин бозор нархларининг қарор топишига тўсқинлик қилишга;
- ишлаб чиқариш устидан, маҳсулот сотиш бозорлари ва капитал қўйилмалар устидан назорат ўрнатишга;
- таклиф ҳажмини сунъий равишда ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмларини келишиб олишга;
- шартнома предмети тааллуқли бўлмаган шартларни, шу жумладан, молиявий маблағларни, бошқа мол-мулкни, мулкий ҳуқуқларни ўзга шахсга ўтказишга доир асоссиз талабларни, шунингдек рақобатни чекловчи бошқа ҳаракатларни содир этиш талабларини мажбуран қабул қилдиришга;
- аукционларда, биржаларда ва бошқа савдоларда нархларни оширишга, пасайтиришга ёки сақлаб туришга;
- шартномага камситувчи шартларни киритишга;
- тегишли бозорни ҳудудий принцип бўйича, реализация қилиш ёки харидлар ҳажми бўйича, товарларнинг хиллари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олишга;
- бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг тегишли товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари сифатида бозорга киришини чеклашга ёки уларни бозордан четлаштиришга ёхуд хўжалик юритувчи субъектларни муайян товарлар бозорига қўймасликка; *(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши)*.
- товарларни ишлаб чиқаришни иқтисодий ёки технологик жиҳатдан асоссиз равишда камайтиришга ва (ёки) тўхтатишга; *(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонунига мувофиқ киритилган хатбоши)*.
- муайян сотувчилар ёки харидорлар (буюртмачилар) билан шартномалар тузишдан асоссиз равишда бош тортишга олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, тақиқланади. *(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонунига мувофиқ киритилган хатбоши)*.

Бири товар бозорида устун мавқени эгаллаб турган, бошқаси эса сотувчи ёки сотиб олувчи бўлган, ўзаро рақобатлашмаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларига, агар бундай келишиб олинган ҳаракатлар ва келишувлар пировард натижада рақобатни чеклаб қўйса ёхуд чеклаб қўйиши мумкин бўлса, шу жумладан: *(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши)*.

- сотувчининг ёки сотиб олувчининг ҳудудни ёки сотиб олувчилар доирасини товарни кейинчалик қайта сотиш мақсадида мустақил белгилашини чеклайдиган;
- товарларни қайта сотиш учун нархларга чекловлар белгилайдиган;
- хўжалик юритувчи субъектларга бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни реализация қилишни тақиқлайдиган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларига йўл қўйилмайди. Ушбу тақиқ товарларни товар белгиси, фирма номи ва сотувчининг интеллектуал мулк объектларига бўлган бошқа мутлақ ҳуқуқлари орқали реализация қилишни сотиб олувчи томонидан ташкил этиш тўғрисидаги келишувларга нисбатан татбиқ этилмайди. (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши).

Юридик ва жисмоний шахсларнинг хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятини мувофиқлаштириши, агар бундай мувофиқлаштириш ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган оқибатларга олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса, тақиқланади.

Ушбу моддада кўрсатилган тақиқлар:

- товар бозорида умумий улуши ўттиз беш фоиздан ошмайдиган хўжалик юритувчи субъектларнинг келишилган ҳаракатлари ва келишувларига ёки давлат-хусусий шериклик шартномалари бўлган келишувларга;
- шахсларнинг бир гуруҳига кирадиган хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги келишувларга;
- агар келишувлар ишлаб чиқаришни такомиллаштиришга, ишлаб чиқариш ҳажмларини ва товарларни реализация қилишни кўпайтиришга ёки техникавий, иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга ёхуд товарларнинг жаҳон товар бозоридаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлса, мазкур келишувларга нисбатан татбиқ этилмайди. (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонунига мувофиқ киритилган қисм).

(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сон Қонунига мувофиқ тўртинчи қисми бешинчи қисм деб ҳисоблансин).

Рақобатни чеклайдиган келишиб олинган ҳаракатлар ва келишувларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги қисм).

12-модда. Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобатни чеклайдиган ҳужжатлари ҳамда ҳаракатларини тақиқлаш

Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг:

- фаолиятнинг бирор-бир соҳасида янги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этишга чекловлар жорий этиши, шунингдек фаолиятнинг айрим турларини амалга оширишни ёки муайян товарлар ишлаб чиқаришни ман этиши, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно;

- шартномалар тузишда устунлик бериш, сотиб олувчиларнинг муайян доирасига товарларни биринчи навбатда реализация қилиш, молиявий маблағларнинг манбаларини танлаш ва улардан фойдаланиш йўналишларининг афзаллиги тўғрисида хўжалик юритувчи субъектга кўрсатмалар бериши, бундан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар мустасно;
- айрим хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиши, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига оқибатда рақобат чекланиши мумкин бўлган тарзда аралашиши;
- ўз вазифаларини хўжалик юритувчи субъектларнинг вазифалари билан қўшиб бажариши;
- айрим хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) белгилаши тақиқланади.

Алоҳида ҳолларда, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари табиий офатлар, ҳалокатларнинг оқибатларини тугатиш ҳамда эпидемияларнинг олдини олиш мақсадида ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган ҳужжатлар қабул қилиши ва ҳаракатларни амалга ошириши мумкин.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг товар ёки молия бозорининг нормал фаолият кўрсатишига, рақобатни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини камситувчи ҳаракатларига, шу жумладан:

- нархларни ёки тарифларни оширишга, пасайтиришга, сақлаб туришга;
- тегишли бозорни ҳудудий принцип бўйича, реализация қилиш ёки харидлар ҳажми бўйича, товарларнинг хиллари бўйича ёхуд товарларни сотувчилар ёки сотиб олувчилар, товар буюртмачилари доираси бўйича бўлиб олишга;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг бозорга киришини чеклашга ёки уларни бозордан четлатишга олиб келадиган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувларига йўл қўйилмайди. (*Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши*).

Юридик шахслар бирлашмаларининг хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятига пировард натижада рақобатни чеклаб қўядиган ёки чеклаб қўйиши мумкин бўлган тарзда аралашиши тақиқланади.

13-модда. Инсофсиз рақобатни тақиқлаш

Инсофсиз рақобат, шу жумладан:

- бошқа хўжалик юритувчи субъектга зарар келтириши ёки унинг ишчанлик обрўсига путур етказиши мумкин бўлган нотўғри таққослашлар. Бунда хўжалик юритувчи субъектнинг товарини холисона тасдиққа эга бўлган тавсифларни ёки таққослаш параметрларини кўрсатмаган ҳолда товарнинг устунлиги ҳақида таассурот ҳосил қилувчи сўзлардан ёки белгилардан фойдаланиш орқали бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) ўзга товари билан таққослаш ёхуд кўрсатилган сўзларни ёки белгиларни

ўз ичига олган тасдиқлар ёлғон, ноаниқ бўлган ёки бузиб кўрсатилган ҳоллар нотўғри таққослашдир; (*Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши*).

- юридик шахснинг интеллектуал фаолияти натижаларидан ва уларга тенглаштирилган индивидуаллаштириш воситаларидан, товарни индивидуаллаштириш воситаларидан қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолда товарни реализация қилиш, шу жумладан товарни хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товар белгисига, фирма номига ўхшаш бўлган ёхуд адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан уни товарларда, этикеткаларда, ўровларда жойлаштириш йўли билан ёки сотилаётган ёхуд фуқаролик муомаласига ўзгача тарзда киритилаётган товарларга нисбатан товар белгисидан бошқача тарзда фойдаланиш йўли билан, шунингдек, ушбу белгидан домен номида фойдаланиш орқали қонунга хилоф равишда фойдаланилган ҳолда реализация қилиш; (*Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши*).
- товарнинг хусусияти, ишлаб чиқарилиш усули ва жойи, истеъмол хоссалари, нархи, сифати, ишлаб чиқарувчининг (бажарувчининг) кафолат мажбуриятлари хусусида истеъмолчиларни чалғитиш, хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан фуқаролик муомаласига киритиладиган товарни унинг ташқи безатилиши ва шаклини, номини, тамғаланишини, этикеткасини, ўровини, ранглар уйғунлигини, товар белгисини такрорлаш, реклама материалларидан ёки хўжалик юритувчи субъектнинг (рақобатчининг) товарини индивидуаллаштирувчи бошқа элементлардан нусха кўчириш орқали қалбакилаштириш; (*Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши*).
- фан-техникага, ишлаб чиқаришга ёки савдога оид ахборотни, шу жумладан, тижорат сирини эгасининг розилигисиз олиш, ундан фойдаланиш, уни ошкор этиш;
- товар ёки молия бозорига бошқа хўжалик юритувчи субъектнинг киришига тўсиқ қўйиш тақиқланади.

Юридик шахсни индивидуаллаштириш воситаларига, товарни индивидуаллаштириш воситаларига бўлган мутлақ ҳуқуқни олиш, шунингдек хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) томонидан аввал фуқаролик муомаласига киритилган товарга нисбатан белги билан айнан ўхшаш ёки адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ инсофсиз рақобатга йўл қўйилмайди. (*Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ-429-сонли Қонуни таҳриридаги қисм*).

Монополияга қарши органнинг ушбу модда иккинчи қисмининг товар белгисига бўлган мутлақ ҳуқуқни олиш хусусидаги қоидалари бузилганлигини эътироф этиш тўғрисида чиқарган қарори товар белгисига ҳуқуқий муҳофаза бериш ҳақидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас деб топиш учун манфаатдор шахс томонидан интеллектуал мулк бўйича ваколатли органга ёки судга юборилади.

3-БОБ. САВДОЛАРНИ ВА ИҚТИСОДИЙ КОНЦЕНТРАЦИЯНИ МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ТАРЗДА ТАРТИБГА СОЛИШ

14-модда. Танлов (тендер) савдоларига доир монополияга қарши талаблар

Танлов (тендер) савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан, қуйидагилар тақиқланади:

- савдолар ўтказишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини бузиш;
- савдоларнинг ташкилотчилари ва (ёки) буюртмачилари томонидан савдолар иштирокчиларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
- хўжалик юритувчи субъектлардан савдоларда қатнашиш учун ҳужжатларни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш;
- савдолар иштирокчиларини асоссиз равишда четлаштириш;
- савдоларнинг битта ёки бир нечта иштирокчисига савдоларда қатнашиш учун имтиёзли шарт-шароитлар яратиб бериш, шу жумладан, ахборотдан фойдаланиш орқали имтиёзли шарт-шароитлар яратиб бериш, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- лотлар таркибига савдоларнинг предметиға технологик ва функционал жиҳатдан боғлиқ бўлмаган қўшимча товарларни (ишларни, хизматларни) киритиш; (*Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуниға мувофиқ киритилган хатбоши*).

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сон Қонуниға мувофиқ еттинчи хатбошиси саккизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

- товарнинг аниқ ишлаб чиқарувчисини кўрсатиш, бундан товарларнинг мос келмаслиги ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳоллар мустасно.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган монополияга қарши талабларнинг бузилиши танлов (тендер) савдоларининг қарорларини ва шу савдолар натижалари бўйича тузилган шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

15-модда. Биржа савдоларига доир монополияга қарши талаблар

Биржа савдоларини ўтказишда рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар, шу жумладан:

- биржа савдоларини ўтказиш жараёниға таъсир кўрсатадиган ҳаракатлар, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;
- биржа савдолари иштирокчиларининг келишиб олинган ҳаракатлари натижасида жорий биржа нархларининг кескин кўтарилишиға ёки қатъий белгиланишиға олиб келадиган ҳаракатлар;
- биржа савдоларида талабнинг ўзгаришиға сабаб бўлиши мумкин бўлган ёлғон маълумотларни тарқатиш билан боғлиқ ҳаракатлар тақиқланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган монополияга қарши талабларнинг бузилиши биржа савдолари натижалари бўйича тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлади.

16-модда. Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга доир монополияга қарши талаблар

(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги модда)

Монополияга қарши орган хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бўйича битимга олдиндан розилик беради.

Агар тегишли битимда иштирок этаётган шахслар активларининг жами баланс қиймати ёки охириги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган жами тушуми базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ бўлса ёхуд улардан бири товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект бўлса, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олиш бўйича битимлар учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш зарур. *(Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни таҳриридаги қисм).*

Ушбу модданинг талаблари хўжалик юритувчи субъектларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра қўшиб юборилиши ва қўшиб олиниши ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш ва қўшиб олишга олдиндан розилик бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

17-модда. Акцияларни (улушларни) олишда монополияга қарши талаблар

(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги модда)

Монополияга қарши орган шахс ва шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимларга олдиндан розилик беради.

Қуйидаги ҳолларда монополияга қарши органнинг шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан хўжалик юритувчи субъект устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимларга олдиндан розилигини олиш зарур бўлади, агар:

- бундай шахс ёки шахслар гуруҳи кўрсатилган акцияларнинг (улушларнинг) эллик фоизидан ортиғини тасарруф этиш ҳуқуқини олса;
- битимда иштирок этаётган шахслар активларининг жами баланс қиймати ёки охириги календарь йилда товарларни реализация қилишдан олинган жами тушум базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баравари миқдоридан ортиқ бўлса ёхуд битим иштирокчиларидан бири товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъект бўлса. *(Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 3 декабрдаги ЎРҚ-586-сонли Қонуни таҳриридаги қисм).*

Ушбу модданинг талаблари қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

- хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш чоғида унинг муассисларига;
- хўжалик юритувчи субъект томонидан ўз акцияларини олишга доир битимларга;
- акциядорлик жамияти ўз устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини сақлаб қолган тақдирда, бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартирилганда;

- устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушлар) ишончли бошқарувга берилганда, шунингдек акциялар (улушлар) кейинчалик қайта сотиш мақсадида инвестиция воситачилари томонидан олинганда;
- устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушлар) хўжалик юритувчи субъект томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ олиншига доир битимларга;
- хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялари (улушлари) давлат хусусийлаштириш дастурлари доирасида олиншига доир битимларга;
- устав фондидаги (устав капиталидаги) акциялар (улушлар) жисмоний шахс томонидан олиншига доир битимларга, агар ариза билан мурожаат этилган пайтда бундай жисмоний шахс бирор-бир хўжалик юритувчи субъектнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг (улушларнинг) эллик фоизидан ортиғини тасарруф этмаган бўлса.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

18-модда. Олдиндан розилик олиш тартиби

Хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишга, қўшиб олишга доир ҳаракатларни амалга оширишда ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимлар тузишда шахслар ёки шахслар гуруҳлари бу ҳаракатлар содир этилгунига (битимлар тузилгунига) қадар Давлат хизматлари марказларига: *(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 23 июлдаги ЎРҚ-486-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши).*

- ҳаракатларни содир этишга (битимлар тузишга) олдиндан розилик бериш тўғрисидаги аризани;
- жисмоний шахс учун - аризачининг паспортига оид маълумотларни (ҳужжатнинг серияси ва рақами, берилган санаси ва жойи, ҳужжатни берган орган); *(Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги ЎРҚ-391-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши).*
- аризачи ариза берган кундан олдинги икки йил мобайнида ёхуд агар фаолият икки йилдан камроқ муддатни ташкил этса, фаолият амалга оширилган муддат мобайнида олиб борган фаолият турлари, ишлаб чиқарган ва реализация қилган товар турларининг номлари ҳамда уларнинг ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни;
- ўтган икки календарь йилга доир молиявий ва статистика ҳисоботини;
- шахслар гуруҳининг таркиби тўғрисидаги, бу шахсларнинг ушбу гуруҳга кириш асослари кўрсатилган маълумотларни ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича кўриб чиқилаётган битимларга тааллуқли бошқа ахборотни тақдим этади.

Монополияга қарши орган зарур ҳужжатлар ва маълумотлар олинган пайтдан эътиборан ўн календарь кундан кечиктирмай аризачига қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма шаклда хабар қилади. Акцияларнинг (улушларнинг) айна бир туркумини олишга олдиндан розилик олиш учун шахслар ёки шахслар гуруҳлари бир вақтнинг ўзида мурожаат этган тақдирда, монополияга қарши органнинг қарори аризачиларга айна бир кунда етказилади. Зарур ҳолларда, агар монополияга қарши

органда ҳаракат (битим) рақобатнинг чекланишига олиб келади ёки олиб келиши мумкин, шу жумладан, товар ёки молия бозорида устун мавқенинг вужудга келиши ёхуд кучайиши орқали рақобатнинг чекланишига олиб келади ёки олиб келиши мумкин деб тахмин қилиш учун асослар пайдо бўлса, аризани кўриб чиқиш муддати бозорни тегишли тарзда ўрганиш учун бир ойдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. *(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги қисм).*

Монополияга қарши орган, агар:

- ҳаракатларни содир этишга (битимлар тузишга) олдиндан розилик бериш тўғрисидаги аризанинг қаноатлантирилиши товар ёки молия бозорида тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келишига ёки кучайишига ва (ёки) рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин бўлса;
- тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқишда уларда баён этилган ахборотнинг ишончсизлиги ёки ёлғонлиги аниқланса, аризачига олдиндан розилик беришни рад этишга ҳақли.

Монополияга қарши орган ҳаракатларни содир этишга (битимлар тузишга) олдиндан розилик беришга ва буни рақобатни таъминлашга қаратилган талабларни бажаришга боғлиқ қилиб қўйишга ҳақли. Бунда мазкур талаблар, шунингдек уларни бажариш муддатлари монополияга қарши органнинг хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ҳамда устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимлар тузишга олдиндан розилик бериш тўғрисидаги қарорда кўрсатилиши керак. Мазкур ҳаракатларнинг содир этилиши (битимлар тузилиши) товар ёки молия бозорида тегишли хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келишига ёки кучайишига ва (ёки) рақобатнинг чекланишига олиб келиши мумкин бўлган тақдирда, бу ҳаракатларни содир этиш (битимлар тузиш) тўғрисида қарор қабул қилган юридик ва (ёки) жисмоний шахслар монополияга қарши органнинг талабига кўра рақобатнинг зарур шарт-шароитларини тиклаш чора-тадбирларини кўриши шарт. *(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги қисм).*

Монополияга қарши орган товар ёки молия бозорида ҳатто хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келиши ёки кучайиши ва (ёки) рақобатнинг чекланиши, нохуш оқибатлар юз бериши мумкин бўлган тақдирда ҳам, агар хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилган юридик ва (ёки) жисмоний шахслар ўз ҳаракатлари (битимлари) истеъмолчиларга сезиларли даражада наф келтиришини исботлаб берса, ҳаракатларни содир этиш (битимлар тузиш) учун олдиндан розилик бериш ҳақидаги аризани қаноатлантиришга ҳақли. *(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги қисм).*

Монополияга қарши органнинг олдиндан берилган розилигисиз содир этилган, товар ёки молия бозорида хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг устун мавқеи юзага келишига ёки кучайишига ва (ёки) рақобатнинг чекланишига олиб келадиган ҳаракатлар (тузилган битимлар) суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сон Қонунига мувофиқ 19-модда чиқариб ташланган

20-модда. Хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш

Товар ёки молия бозорида устун мавқега эга бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини бартараф этиш юзасидан илгари қўлланилган чоралар самарасиз бўлган тақдирда, монополияга қарши орган хўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш ҳақидаги даъво билан судга мурожаат этади, бўлиш ёки ажратиб чиқариш хўжалик юритувчи субъект негизида икки ёхуд бир нечта алоҳида хўжалик юритувчи субъектни ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш қуйидаги шартларнинг барчаси жам бўлганда амалга оширилиши мумкин:

- бўлинаётган ёки ажратиб чиқарилаётган таркибий бўлинмаларнинг ташкилий ва ҳудудий жиҳатдан ажралиб чиқиш имконияти мавжуд бўлганда;
- унинг таркибий бўлинмалари ўртасида ўзаро узвий технологик боғланиш мавжуд бўлмаганда;
- бўлиш ёки ажратиб чиқариш натижасида ташкил топган таркибий бўлинмаларнинг товар ёки молия бозорида мустақил фаолият кўрсатиш имконияти мавжуд бўлганда.

4-БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ОРГАН

21-модда. Монополияга қарши органнинг ваколатлари

Монополияга қарши орган:

- товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;
- хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг товар ёки молия бозорида устун мавқеи мавжудлигини аниқлайди;
- Товар ёки молия бозорида устун мавқени эгаллаб турган хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат реестрини юритади;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан, шу жумладан, танлов (тендер) ва биржа савдоларини ўтказишда қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширади;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилишларини аниқлайди, улар бўйича ишлар қўзғатади ва уларни кўриб чиқади;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан рақобатга қарши ҳаракатлар натижасида асоссиз равишда олинган даромадни (фойдани) олиб қўйиш ҳақида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарор қабул қилади; (*Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 январдаги ЎРҚ-512-сонли Қонуни таҳриридаги хатбоши*).
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектларга, давлат бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларига рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар беради;

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги учун хўжалик юритувчи субъектларни, давлат бошқаруви органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, уларнинг мансабдор шахсларини ва бошқа жисмоний шахсларни тегишли жавобгарликка тортади;
- лицензиялашни жорий этиш ёки бекор қилиш тўғрисида, божхона тарифларини ўзгартириш тўғрисида, квоталарни жорий этиш ёки бекор қилиш ҳақида, шунингдек солиқ ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш, имтиёзли кредитлар бериш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини татбиқ этиш ёхуд уларни бекор қилиш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритади;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги билан боғлиқ жиноят аломатлари бўйича жиноят иши қўзғатиш ҳақидаги масалани ҳал қилиш учун материалларни тегишли органларга юборади;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши ва бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судда кўриб чиқилишида иштирок этади;
- хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишлар ўтказилади;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган хўжалик юритувчи субъектлар, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг реестрини юритади ва эълон қилади;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қўлланилиши масалалари юзасидан ўз ваколатлари доирасида тушунтиришлар беради.

Монополияга қарши орган рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақидаги, шу жумладан:

- давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва юридик шахслар бирлашмаларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига бутунлай ёки қисман мувофиқ бўлмаган ҳужжатларини ва ҳаракатларини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган битимларни (шартномаларни) ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган битимларни (шартномаларни) бутунлай ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида олинган даромадни (фойдани) белгиланган тартибда ундириш ҳақидаги;
- ушбу Қонуннинг 14 ва 15-моддаларида назарда тутилган асосларга кўра савдоларни ва мазкур савдолар натижасида тузилган битимларни (шартномаларни) ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги;
- хўжалик юритувчи субъектларни мажбурий тарзда бўлиш ёки ажратиб чиқариш тўғрисидаги;
- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган шахсларга нисбатан ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чораларини қўллаш ҳақидаги аризалар билан судга мурожаат қилади.

Монополияга қарши орган қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

22-модда. Ахборот олиш ҳуқуқи

Монополияга қарши органнинг мансабдор шахслари рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақидаги аризалар ва ишларни кўриб чиқиш, шунингдек, рақобатнинг ҳолатини аниқлаш учун белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектнинг ҳужжатларини, ахборотини олиш ва унинг ҳудудига кириш ҳуқуқига эга.

23-модда. Монополияга қарши органга ахборот тақдим этиш

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахслари монополияга қарши органнинг талабига кўра унга зарур ҳужжатларни ва ахборотни белгиланган тартибда текин тақдим этиши шарт.

24-модда. Тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг монополияга қарши орган томонидан ошкор этилишини тақиқлаш

Монополияга қарши орган ушбу Қонунга мувофиқ ўзига берилган ваколатларни амалга ошириши муносабати билан маълум бўлиб қолган тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас.

Монополияга қарши органнинг ходимлари тижорат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ошкор этилиши натижасида етказилган зарар учун жавобгар бўлади. Хўжалик юритувчи субъектга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

5-БОБ. РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗИШ

25-модда. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш оқибатлари

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган тақдирда:

- монополияга қарши органнинг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш ҳақидаги кўрсатмасини белгиланган муддатда бажариши;
- етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонунига мувофиқ мувофиқ тўртинчи хатбоши чиқариб ташланган.

26-модда. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш

Давлат бошқаруви органи, маҳаллий давлат ҳокимияти органи томонидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчи ҳужжат қабул қилинганлиги натижасида хўжалик юритувчи субъектга ёхуд бошқа шахсга етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши керак.

Агар давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва улар мансабдор шахсларининг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчи ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли хўжалик юритувчи субъектга ёхуд бошқа шахсга зарар етказилган бўлса, у ҳолда мазкур зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланиши лозим.

27-модда. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

(Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонуни таҳриридаги модда)

Юридик шахсларнинг мансабдор шахслари, якка тартибдаги тадбиркорлар хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган келишиб олинган ҳаракатлари ва келишувлари учун, шунингдек товар ёки молия бозоридаги устун мавқеини суиистеъмол қилганлик, хўжалик юритувчи субъектларни қўшиб юборишда, қўшиб олишда ва устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларни (улушларни) олиш бўйича битимлар тузишда рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини тугатиш ҳақидаги, дастлабки ҳолатни тиклаш тўғрисидаги кўрсатмаларни бажаришдан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик, монополияга қарши органга ахборотни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик, нотўғри ёки ёлғон маълумотлар тақдим этганлик, танлов (тендер) ёки биржа савдоларига доир монополияга қарши талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилади. *(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги ЎРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги қисм).*

Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги хўжалик юритувчи субъектни монополияга қарши органнинг қарорини (кўрсатмасини) бажариш ёки рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятидан озод этмайди.

Рақобатни чекловчи ва рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл қўйиб бўлмайдиган битимлар тузганлиги ҳамда келишиб олинган ҳаракатлар содир этганлиги ҳақида монополияга қарши органга биринчи бўлиб ихтиёрий равишда маълум қилган шахс маъмурий жавобгарликдан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли Қонунига мувофиқ 28-модда ўз кучини йўқотган.

6-БОБ. РАҚОБАТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ИШЛАРНИ ҚЎЗҒАТИШ ВА КЎРИБ ЧИҚИШ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ОРГАННИНГ ҚАРОРИ ВА КЎРСАТМАСИНИ ИЖРО ЭТИШ ҲАМДА БУНДАЙ ҚАРОР ВА КЎРСАТМА УСТИДАН ШИКОЯТ БЕРИШ

29-модда. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш монополияга қарши орган томонидан амалга оширилади.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш учун монополияга қарши органнинг ўз текширувлари, ўрганишлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аризалари ҳамда тегишли органларнинг тақдимномалари асос бўлади.

Давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг мансабдор шахслари томонидан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳақидаги ишларни тегишли судлар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига мувофиқ кўриб чиқади. (*Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 8 январдаги ЎРҚ-512-сонли Қонуни таҳриридаги қисм*).

30-модда. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар қуйидагилардир:

- ўзига нисбатан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақида иш юритилаётган шахс;
- юридик ва (ёки) жисмоний шахсларнинг вакили;
- гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва бошқа манфаатдор шахслар.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар иш қўзғатиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан иш материаллари билан танишиб чиқишга, бундан давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар мустасно, улардан кўчирмалар олишга, оғзаки ва ёзма тушунтиришлар беришга, далиллар тақдим этишга ва уларнинг текширилишида иштирок этишга, ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга саволлар беришга, илтимосномалар киритишга ҳамда ишда иштирок этаётган бошқа шахсларнинг илтимосномалари ва важларига қарши эътирозлар билдиришга ҳақли.

31-модда. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш тартиби

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш қўзғатилган кундан эътиборан бир ойлик муддат ичида кўриб чиқилади. Алоҳида ҳолларда, ишнинг мураккаблигига қараб, мазкур муддат кўпи билан бир ойга узайтирилиши мумкин.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишни кўриб чиқиш кейинга қолдирилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин. Ишни кўриб чиқишни кейинга қолдириш, тўхтатиб туриш ва тиклаш тўғрисида монополияга қарши орган тегишли ажрим чиқаради, мазкур ажримнинг кўчирма нусхаси ишда иштирок этувчи шахсларга юборилади.

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишларни қўзғатиш ва кўриб чиқиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

32-модда. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан монополияга қарши органнинг қарори

Монополияга қарши орган рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишни моҳиятан кўриб чиқиш натижалари бўйича:

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилганлиги факти аниқланиши ва тегишли ҳуқуқий таъсир чораларининг кўрилиши ҳақида;
- иш юритишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилади.

Монополияга қарши орган:

- рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тасдиқланмаган тақдирда;
- ўзига нисбатан иш юритилаётган юридик шахс тугатилган ёки жисмоний шахс вафот этган тақдирда;
- монополияга қарши орган кўриб чиқаётган рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан суд томонидан қарор қабул қилинган тақдирда, рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишни юритишни тугатади.

Монополияга қарши органнинг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан қарори дарҳол эълон қилиниши лозим.

Монополияга қарши органнинг рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги иш юзасидан қарорига асосан, ўзига нисбатан қарор қабул қилинган шахсга кўрсатма берилади.

33-модда. Монополияга қарши органнинг кўрсатмасини ижро этиш

Монополияга қарши органнинг кўрсатмаси унда белгиланган муддатда ижро этилиши лозим. Кўрсатмани муддатида ижро этмаганлик ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

Монополияга қарши органнинг кўрсатмасини унда белгиланган муддатда ижро этмаганлик деганда кўрсатмани ижро этишни рад қилиш ёки қисман ижро этиш ёхуд ўз вақтида ижро этмаслик тушунилади.

Монополияга қарши орган томонидан кўрсатма берилган шахслар кўрсатмани ижро этиш муддатини узайтириш тўғрисида илтимоснома бериши мумкин.

Илтимосномада кўрсатилган ҳолат узрли деб топилган тақдирда, монополияга қарши орган кўрсатмани ижро этиш муддатини узайтиришга ҳақли.

Монополияга қарши орган ўз кўрсатмалари ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади.

34-модда. Монополияга қарши органнинг қарори (кўрсатмаси) устидан шикоят бериш

(Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги УРҚ-459-сонли Қонуни таҳриридаги модда)

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик ҳақидаги ишда иштирок этувчи шахслар монополияга қарши органнинг қарори (кўрсатмаси) устидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилишга ҳақли.

Монополияга қарши органнинг қарорлари (кўрсатмалари) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи органга ёхуд мансабдор шахсга шикоят қилиниши судга шикоят қилиш ҳуқуқини истисно этмайди.

Монополияга қарши органнинг қарорлари (кўрсатмалари) устидан судга шикоят қилиниши уларнинг ижро этилишини суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга киргунига қадар тўхтатиб туради, бундан фавқулодда вазиятлар, эпидемиялар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига бошқа ҳақиқий хавф юзага келишининг олдини олиш билан боғлиқ бўлган қарорлар (кўрсатмалар) мустасно.

35-модда. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назорати

Ўз уставларига мувофиқ рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш ва истеъмолчиларнинг манфаатларини рақобатга қарши ҳаракатлардан ҳимоя қилиш мақсадига эга бўлган жамоат бирлашмалари рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга ҳақли.

36-модда. Низоларни ҳал этиш

Товар ва молия бозорларидаги рақобат соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

37-модда. Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

7-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

38-модда. Айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш

Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги 355-I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 54-модда);
- 2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга киритиш тартиби ҳақида»ги 356-I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 55-модда);
- 3) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 832-I-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 229-модда) XIX бўлими;
- 4) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги 175-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 23-модда) I бўлимининг 18-банди;
- 5) Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 10 октябрда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилганлиги ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлиги эркинлаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-59-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 10, 536-модда) 15-моддаси.

39-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- Ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирасин;
- давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

40-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

И. Каримов

«Халқ сўзи», 2012 йил 7 январь

*«Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами», 2012 йил, 1-сон,
5-модда*

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012
йил, 1-сон, 5-модда*

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 15 майдаги
402-сонли қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Монополияга
қарши курашиш қўмитаси тўғрисида
НИЗОМ
(кўчирма)

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг (кейинги ўринларда Монополияга қарши курашиш қўмитаси деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари, ҳуқуқлари ва жавобгарликларини белгилайди.
2. Монополияга қарши курашиш қўмитаси монополияга қарши курашишни тартибга солиш, рақобат муҳитини ривожлантириш, табиий монополия субъектлари фаолияти устидан назорат қилиш ва товар-хон ашё биржаларини лицензиялаш соҳасида давлат бошқаруви органи ҳисобланади.
5. Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4-БОБ. МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ

1-§. Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

16. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини, шунингдек, Монополияга қарши курашиш қўмитасига юкланган вазифа ва функцияларни бажариш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда киритиш;
 - вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан

- бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқариш;
- Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ваколатига кирувчи масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;
 - давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан Монополияга қарши курашиш қўмитаси ваколатига тегишли масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси ваколатига тегишли масалалар бўйича зарур статистика маълумотларини давлат статистика органларидан бепул асосда олиш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларининг давлат мулкани, ўзининг ташкилий тузилмаси доирасида, белгиланган тартибда бир ҳудудий бошқармадан бошқасига бепул фойдаланиш ҳуқуқи асосида ўтказиш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси ходимларини уларнинг тегишли соҳадаги фаолиятининг асосий кўрсаткичлари бўйича параметрларни бажарганликларини ҳисобга олган ҳолда моддий рағбатлантириш тартиби, миқдори ва шартларини белгилаш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси ваколатларига кирувчи масалалар бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига киритиш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси ваколатларига кирувчи масалалар бўйича идоралараро тусдаги халқаро шартномаларни белгиланган тартибда тузиш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси ваколатларига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини белгиланган тартибда халқаро даражада ифодалаш;
 - монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш муаммолари бўйича жамоатчилик, консултатив, илмий-техник ва бошқа кенгашлар, идоралараро эксперт комиссиялари ташкил этиш, махсус кенгашлар чақириш, шунингдек, монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш билан боғлиқ узоқ муддатли дастурлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, монополияга қарши давлат сиёсатини юритиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасаларива юридик шахсларнинг вакилларини ҳамда жисмоний шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жалб этиш;
 - судларга даъво аризалари ва аризалар киритиш, ўзининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бузилиши билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилишида суд жараёнларида иштирок этиш;
 - ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатлари бўйича маъмурий ва жиноий ишларини қўзғатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун тегишли органларга материалларни юбориш;

- белгиланган тартибда рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш, қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, улар бўйича ишларни қўзғатиш ва (ёки) кўриб чиқиш;
- ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва ташкилотларга монополияга қарши сиёсат ва рақобатни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини, шунингдек, уларга кўмаклашадиган сабаблар ва шартларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
- ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги материалларни маъмурий судларга юбориш;
- рақобат тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан рақобат тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида асоссиз олинган даромадни (фойдани) ундириш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳайъати қарори асосида хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси бўйича, агар маблағларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ижро этиш хўжалик юритувчи субъектнинг банкротлигига олиб келиши мумкин бўлса, рақобат тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги учун ундирилиши керак бўлган суммани бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш;
- тегишли давлат органларига лицензиялашни жорий этиш ёки бекор қилиш, божхона тарифларини ўзгартириш, квоталарни жорий этиш ёки бекор қилиш, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш ёхуд имтиёзларни бекор қилиш, имтиёзли кредитлар бериш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;
- белгиланган тартибда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш;
- қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
- Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва унга идоровий мансуб ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар ва буйруқларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ҳақида, ёхуд уларни қонунчиликка мувофиқлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- тегишли хорижий ва халқаро ташкилотлар билан монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш;
- малакали маҳаллий ва хорижий мутахассисларни ходимлар ва маслаҳатчилар сифатида жалб қилиб, уларга, истисно тариқасида, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг бюджетдан ташқари

маблағлари ҳисобидан иш ҳақи ва бошқа тўловлар миқдорларини белгилаш.

- Монополияга қарши курашиш қўмитаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.
- 17. Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолият соҳасига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда у билан келишилиши шарт.
- 18. Мулкчилик шаклларида қатъи назар ташкилотларда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича текширувлар тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текширишларни мувофиқлаштириш бўйича ваколатли органни хабардор қилиш тартибда амалга оширилади ҳамда Текширувларни электрон шаклда рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатга олинishi шарт.
- 19. Монополияга қарши курашиш қўмитасига рақобат ҳамда табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун ишларни кўриб чиқиш бўйича ваколатлар фақат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Монополияга қарши курашиш қўмитасининг марказий аппарати ва ҳудудий бошқармаларида тузиладиган махсус комиссияларнинг қарорлари асосида амалга оширилади.
- 20. Махсус комиссия рақобат ҳамда табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, шунингдек, асоссиз равишда олинган даромадни (фойдани) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик юритувчи субъектлардан олиб қўйиш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш тўғрисида қарорлар қабул қилади. Истеъмолчиларни аниқлаш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда махсус комиссия асоссиз равишда олинган даромадни (фойдани) хўжалик юритувчи субъектлардан ундириш ва ихтиёрий тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади.
- 21. Хўжалик юритувчи субъектлардан олиб қўйиш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш тўғрисида қарор қабул қилингандан сўнг бир ой муддатда ихтиёрий тўлов амалга оширилмаган тақдирда Монополияга қарши курашиш қўмитаси судга истеъмолчиларга қайтариш ва/ёки асоссиз равишда олинган даромадни (фойдани) мажбурий ундириш юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.
- 22. Монополияга қарши курашиш қўмитаси:
 - Монополияга қарши курашиш қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларни самарали бажариш, шунингдек монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсатини самарали амалга оширилиши;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришилишини сўзсиз таъминланиши;
 - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг, шунингдек, Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;
 - монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги дастурлар, чора-тадбирлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

2-§. Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

23. Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлардан масалаларни таҳлил қилиш ва ўрганиб чиқиш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни, Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратида кўриб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини сўраш ва олиш;
 - зарурат бўлганда белгиланган тартибда Монополияга қарши курашиш қўмитасида кўриб чиқиладиган масалаларни ўрганиб чиқиш, ахборот ва таҳлилий материалларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш учун Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари жалб қилиш, ушбу мақсадлар учун эксперт комиссиялари ва ишчи гуруҳлар тузиш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармаларидан ва идоравий мансуб ташкилотлардан улар томонидан киритилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши охирига етказилишини талаб қилиш, зарурат бўлганда уларни камчиликларни бартараф этиш учун қайтариш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарлари иштирокида мажлислар ўтказиш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар раҳбарларига белгиланган тартибда тезкор ҳал қилишни талаб қиладиган ва Монополияга қарши курашиш қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича топшириқлар бериш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари, шунингдек, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва унинг раҳбарияти ҳужжатлари ва топшириқлари бажарилиши бўйича фаолиятини ўрганиш ва текшириш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратида монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш муаммолари бўйича жамоатчилик, маслаҳат, илмий-техник ва бошқа кенгашлар, идоралараро эксперт комиссияларини ташкил этиш, йиғилишлар чақириш, шунингдек, монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш билан боғлиқ узоқ муддатли дастурлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, монополияга қарши давлат сиёсатини юритиш ва бошқа масалаларни ҳал этиш учун илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари, олий таълим муассасаларива юридик шахслар вакиллари ҳамда жисмоний шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жалб этиш;
 - судларга даъво аризалари ва аризалар топшириш, суд жараёнларида ўзининг ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий

- ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилишида иштирок этиш;
- ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатлари бўйича маъмурий ва жиноят ишларини қўзғатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун тегишли органларга материалларни юбориш;
 - белгиланган тартибда рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш, қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда, улар бўйича ишларни қўзғатиш ва (ёки) кўриб чиқиш;
 - ўз ваколатлари доирасида давлат органлари ва ташкилотларга монополияга қарши сиёсат ва рақобатни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини, шунингдек, уларниюзга келтирадиган сабаблар ва шартларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
 - ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги материалларни маъмурий судларга юбориш;
 - рақобат тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан рақобат тўғрисидаги ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида асоссиз олинган даромадни (фойдани) ундириш ва (ёки) истеъмолчиларга қайтариш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
 - ҳайъат қарори асосида хўжалик юритувчи субъектнинг аризаси бўйича, агар маблағларни олиб қўйиш тўғрисидаги қарорни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ижро этиш хўжалик юритувчи субъектнинг банкротлигига олиб келиши мумкин бўлса, ундирилиши керак бўлган суммани бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини бериш;
 - лицензиялашни жорий этиш ёки бекор қилиш, божхона тарифларини ўзгартириш, квоталарни жорий этиш ёки бекор қилиш, шунингдек солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича имтиёзлар бериш ёхуд имтиёзларни бекор қилиш, имтиёзли кредитлар бериш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг бошқа турларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;
 - белгиланган тартибда Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш;
 - қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитасининг ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан қабул қилинган қарорлар ва буйруқларни бекор қилиш, тўхтатиб туриш (тўлиқ ёки қисман) ҳақида, ёхуд уларни қонунчиликка мувофиқлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
 - монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида тегишли хорижий ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

24. Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппарати:

- Монополияга қарши курашиш қўмитасига юкланган вазифалар ва функциялар самарали бажарилиши, шунингдек, монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини самарали амалга оширилиши;
- Монополияга қарши курашиш қўмитаси фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришилишини сўзсиз таъминлаш бўйича Монополияга қарши курашиш қўмитаси марказий аппаратининг бўлинмалари иши ташкил қилиниши;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг, шунингдек, Монополияга қарши курашиш қўмитаси томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари;
- Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари ва идоравий мансуб ташкилотлар томонидан монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш соҳасидаги дастурлар, чора-тадбирлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар самарали амалга оширилиши ташкил қилиниши учун жавоб беради.

3-§. Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармаларининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

25. Монополияга қарши курашиш қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармаларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ўзларининг ваколатларига кирадиган масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган ахборотни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;
- Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентлик ваколлати соҳасига тааллуқли бўлган муҳим муаммоларни ҳал қилиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш бўйича ҳудудий миқёсдаги идоралараро комиссиялар ва кенгашларни ташкил қилиш; (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги 1015-сонли қарори таҳриридаги хатбоши*).
- ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича маҳаллий давлат ҳокимияти органларига таклифларни кўриб чиқиш учун киритиш;
- судларга даъво аризалари ва аризалар топшириш, суд жараёнларида ўзининг ваколлатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ ишлар кўриб чиқилишида иштирок этиш;
- ўз ваколлатига кирадиган масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятлар аломатлари бўйича маъмурий ва жиноят ишларини қўзғатиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш учун тегишли органларга материалларни юбориш;

- белгиланган тартибда рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги, истеъмоличиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини текшириш, қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда улар бўйича ишларни қўзғатиш ва (ёки) кўриб чиқиш; (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги 1015-сонли қарори таҳриридаги хатбоши*).
 - ўз ваколатлари доирасида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотларга монополияга қарши сиёсат ва рақобатни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини, шунингдек уларга кўмаклашадиган сабаблар ва шартларни бартараф этиш тўғрисида ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;
 - ўз ваколатлари доирасида мансабдор шахслар ва фуқароларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги материалларни маъмурий судларга юбориш;
 - рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги, истеъмоличиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги тўғрисидаги ишлар бўйича, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектлардан рақобат тўғрисидаги, табиий монополиялар тўғрисидаги, истеъмоличиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги натижасида асоссиз олинган даромадни (фойдани) ундириш ва (ёки) истеъмоличиларга қайтариш, жарима қўллаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш. (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги 1015-сонли қарори таҳриридаги хатбоши*).
26. Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари:
- ўзларига юкланган вазифалар ва функциялар сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминланиши;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитаси ҳудудий бошқармалари фаолияти билан боғлиқ прогноз кўрсаткичларига эришиш таъминланиши;
 - Монополияга қарши курашиш қўмитасига киритиладиган ҳужжатлар лойиҳалари ва таклифларнинг, шунингдек, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Агентликка ҳудудий бошқармалари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг сифати, пировард натижалари ва амалга оширилиши оқибатлари; (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги 1015-сонли қарори таҳриридаги хатбоши*).
 - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида туманларда (шаҳарларда) аниқланган муаммолар ҳар тарафлама ва чуқур таҳлил қилиниши ҳамда умумлаштириш асосида таклифлар тайёрланиши; (*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги 1015-сонли қарори таҳриридаги хатбоши*).
 - Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида монополияга қарши курашишни тартибга солиш ва рақобат муҳитини ривожлантириш, истеъмоличилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасидаги дастурлар, чоратадбирлар, «йўл хариталари» ва бошқа дастурий ҳужжатлар самарали

амалга оширилиши учун жавоб беради. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 19 декабрдаги 1015-сонли қарори таҳриридаги хатбоши).



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY SUDI



ПОСОБИЕ

**ПО ПОДГОТОВКЕ ДЕЛ ПО ИНВЕСТИЦИОННЫМ
СПОРАМ И ДЕЛ О КОНКУРЕНЦИИ К СУДЕБНОМУ
РАЗБИРАТЕЛЬСТВУ И ИХ РАССМОТРЕНИЮ**

ТАШКЕНТ-2021

Авторы:

Ибрагим Таджиев

Судья Верховного суда Республики Узбекистан

Бахтиёр Сайфуллаев

Судья Верховного суда Республики Узбекистан

Настоящее издание подготовлено в рамках совместного проекта Верховного суда Республики Узбекистан, Агентства США по международному развитию (USAID) и Программы развития ООН «Партнерство в сфере верховенства закона в Узбекистане» для **БЕСПЛАТНОГО РАСПРОСТРАНЕНИЯ**. Ответственность за содержание издания возлагается на авторов и может не совпадать с точкой зрения Верховного суда Республики Узбекистан, Программы развития ООН, Агентства США по международному развитию (USAID) или правительства США.

Электронная копия издания размещена на интернет сайтах Верховного суда Республики Узбекистан www.sud.uz и Программы развития ООН www.uz.undp.org.

Республика Узбекистан
г. Ташкент, ул. А. Кадырий, 1.
Телефон: (+998 71) 239-02-67

© Программа развития ООН в Узбекистане (ПРООН), 2020.

© Агентство США по международному развитию (USAID), 2020.

